



# Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 12 июль,  
№58 (1025)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —  
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## Машғулотлар малака ва маҳоратни оширади

Фуқаролар йиғинларида фаолият юритаётган ходимларнинг тизимга оид ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, фаолларни соҳага доир қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардор этиш меҳнат самарадорлигини ошириши билан бирга, ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга хизмат қилади.

■ Толибжон НИЗОМОВ  
«Mahalla»

Жиззах вилояти Зомин тумани 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари фаолиятини яхшилаш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларга тегишли услубий тавсиялар бериш белгиланган.


Шу мақсадда Жиззах вилояти Зомин туманида «Фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш, йиғинда иш ҳужжатларини юритиш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда Фонднинг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган семинарда ҳудуддаги 41 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 142 нафар фаоли ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари қатнашди.

> [2]

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН



## Оилавий тадбиркорлик ортидан фаровонлик ортаётир

Кўшкўпир — мамлакатимизнинг олис ҳудудларидан. Тумanning йил сайин юксалаётган иқтисодий салоҳияти, янги-янги sanoat корхоналари, турли муассасалар, мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг янги бинолари, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган аҳоли турар-жой массивларидан иборат кўркам манзарани кўриб, бу ерга истиқлолнинг қадами қўлуғ келганига ишонч ҳосил қиласиз.

■ Динара САТТОРОВА,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Кўшкўпир тумани бўлинмаси бош мутахассиси.

Бундай ютуқларнинг асоси, шубҳасиз, Юртбошимиз раҳномалигида ҳалқимиз босиб ўтаётган иқтисодий тараққиёт йўлининг нақадор пухта ўйлаб амалиётга татбиқ этилгани билан изоҳ-

> [3]

МАРАФОН

## Қизғин, мурасасиз ва фойдали беллашув

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида 11 июль — Бутунжаҳон аҳолишунослик куни муносабати билан маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ёшлар, Меҳрибонлик уйларидаги имконияти чекланган болалар иштирокида анъанавий спорт марафони ўтказилди.

■ М. ЛАТИПОВА  
«Mahalla»

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган марафонда пойтахтимиз маҳаллаларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича 22 нафар маслаҳатчиси, 44 нафар маҳалла ёшлари ва ривожланишида нуқсон бор болалар шашка, югуриш ва расм чиқиш шартлари бўйича беллашиди.

Тадбир «Баркамол авлод» болалар марказлари ва санъат мактаблари тарбияланувчиларининг кўй-қўшиқлари, гимнастикачи ва ғурашчи ёшларнинг чиқишлари билан ҳўтаринки руҳда бошланди.

> [2]

РАМАЗОН ҲИҚМАТЛАРИ

## Савоб ишнинг мукофоти самимийликда

Юртимизда асрлар оша башариятни ҳидоятга қорлаб, ўзининг қимматли йўл-йўриқлари билан инсонлар қалбига нур улашиб келаётган ислом динининг барча арконлари эмин-эркин адо этилаётир.

■ Сўхбатни «Mahalla» муҳбири Т. НИЗОМОВ ёзиб олади.

Ислом дини, муҳтарам Юртбошимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» рисоласида айтилганидек, бизнинг қон-қонимизга, онгу шу-уримизга шу қодар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб

бўлмайди.

Муқаддас динимизнинг учинчи аркони — Рамазон ойи муносабати билан тутиладиган рўза мўмин-мусулмонларнинг руҳан покляниб, манан юксалишлари учун қўлай фурсатдир. Юртимизда Рамазон ойи ҳар йили кўтаринки руҳда ўтказилади. Бу муқаддас ойда қилинган хайрли ишларга бошқа айдагиларга нисбатан кўп савоблар ёзилиши муборак ҳадисларда айтилган.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдуразақ ЮНУСОВ муҳбиримизга маънавий қадриятларимиз сарчашмаси ҳисобланган Рамазон ойининг мазмун-моҳияти, аҳолияти, ўшбу ойда бажариладиган эзгу ишлар ва уларга бериладиган савобу ажрлар ҳусусида сўзлаб берди.

— Юртимизда Рамазон ойи муносабати билан миллий қадрият ва анъаналаримизнинг кенг тарғиб қилиш, меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, саховат каби туйғуларни янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 24

июндаги «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламолдир. Қарорда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз авлиёларимизнинг муқаддас қадимжоларини обод этиш бора-сида кенг қўламли савоб ва тарғибот ишларини ташкил этиш белгиланган.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари миллий қадриятларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш қондалари бор. Халқимиз азалдан маъ-

навий меросини ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Сўнгги йилларда тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавиятимизни ўрганишда муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, истиқлол тўғрисида буюк аждодларимиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Бурҳониддин Марғиновий сингари нафақат миллий маънавиятимиз, балки жаҳон таомудини муносиб ҳисса қўшган буюк алломаларнинг номлари қайта тикляниб, уларнинг бебаҳо мерослари чуқур ўрганилмоқда.

> [4]

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

## Нуфузли мусобақа олдидаги илк қадам

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири ўзбек қурашини янада ривожлантириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етишига шароит яратиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ташкил этилган.

■ Моҳиҷеҳра ЛАТИПОВА  
«Mahalla»

Фонд томонидан йиллар давомида белбўли кураш, миллий кураш бўйича турли мусобақалар ташкил этилди. 2009 йилга келиб эса аниқ мақсадга қаратилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирини уюштириш ҳақидаги қўшма қарор имзоланиб, унинг Низомига кўра ҳар йили кураш мусобақалари ўтказилмоқда. Тўққизлаш жоизки, турнир, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг ёзги дам олиш кунларини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт мусобақаларига жалб қилиш, шунингдек, иқтидорли курашчиларни саралашда қўл келмоқда.

> [4]

ШУКРОНА

## Бугундан мамнун, эртасидан хотиржам одамлар

Инсонга қанот бағишлайдиган омил унинг эзгу орзуларидир. Дам олиш кунлари шовқин-суронли шаҳардан қишлоққа қайтман. Маҳалламизда қириб келишим билан гузардаги нурунийларнинг гурунги беихтиёр эътиборимни тортади. Уларга салом бериб, сўхбатларидан баҳра олишга ошиқман.

— Умр елдек ўтиб кетаркан. Кўз очиб юмгунча озини уриб қўйибман, — дейди пойтахт вилоятининг Паркент туманидаги Номдонак қишлоғида яшовчи Умар бобо Хидиралиев. — Энг катта орзуим жонанжон юртимизнинг мустақилигини кўриш эди. Истиқлол тўғрисида биз кексалар эл ардоғимиз.

> [4]

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойили устувор

Меҳнат. Инсоннинг ижтимоий фаолигини шакллантириш ва ривожлантиришда асосий омил бўлган ушбу тушунча кишилик жамиятининг энг қадимий, ибтидоий бошқичларидан бошлаб унга ҳамроҳлик қилиб келмоқда. Умуман, меҳнат бу — ҳаётнинг зарурат, унга деярли барча ижтимоий муносабатлар боғланиб кетган.

■ Акбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»

Шу боис инсоният тарихида иш тақсироти, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими, меҳнат эксплуатацияси сингари турлича кўринишдаги меҳнат муносабатлари шакллари қўлланганини кузатамиз.

Синфий, иркий, жинсий, диний ва ёш тоифаси доирасида табақаланиш кузатилган меҳнат муносабатларида тенгликни қарор топтириш, ҳар қимнинг ўз иқтидорини доирасидаги иш билан шўғулланиши эркинлигини таъминлаш масалалари бир неча асрлар давомида жаҳоннинг илгор гуманистлари учун асосий ғоялардан бири бўлиб келган.

Нихоят 1919 йилда ташкил топ-

> [3]

ФОНД ВИЛОЯТ БЎЛИМИДА

## Услубий ва амалий кўмак — фаолиятнинг муҳим мезони

Фуқаролар йиғинларининг ҳар томонлама самарали фаолият юритиши «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий тузилмалари томонидан кўрсатилаётган услубий-амалий кўмакка бевосита боғлиқ.

■ Муҳбиримиз.

Шу маънода бугун маҳаллани аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдек долзарб вазифаларнинг тизимли амалга оширилишида Фонд бўлими ҳамда бўлинмаларининг алоҳида ўрни бор.

Қашқадарё вилоятида айни пайтда 644 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритмоқда. Ушбу фуқаролар йиғинлари фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш Фонднинг вилоят бўлими бошқаруви ҳамда 14 та туман, шаҳар бўлинмалари зиммасида.

Кунинча «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими бошқарувида масъулияти ва зифалар ижроси, тизимда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни таҳлил этиш мақсадида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

> [2]





МАРАФОН

Қизгин, мурасасиз ва фойдали беллашув

Югуриш шартда маҳалларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари 1 км. масофани босиб ўтдилар. Боложонлар эса «Ёз — ўтади соз» мавзуда расмлар чизиб, шашка мусобақасида қатнашишди.

— Маҳалламизда шашка, қаратэ бўйича тўғараклар фаолияти яхши йўлга қўйилган, — дейди Мирзо Уллубек туманидаги Мирзакалон Исмоиллий номли маҳалла маслаҳатчиси Хайри Файзиёва. — Махсус ажратилган майдончада ҳар кун маҳалланинг ёшу қариси шахмат-шашка ва волейбол ўйнайди, ўз вақтини мазмунли ўтказолади. Бугунги марафонда боложонларимиз шашка бўйича маҳалламиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Натижада Суннат Бўриёв иккинчи, Саиджон Иноғомов учинчи ўринни қўлга киритди.

Спорт мусобақаларини оммалаштириш, ёзги таътил

ФОНД ВИЛОЯТ БЎЛИМИДА

Услубий ва амалий кўмак — фаолиятнинг муҳим мезони

Жорий йилнинг биринчи ярмида мурасасозлик оқибатида турли ҳуқуқбузарликлар содир этилган, профилактика ҳисобда турган нотинч оилалар сони 249 тага етган. Шунингдек, вилоят миқёсида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар сони жорий йилнинг шу даврига 408 тани ташкил этган.

Жойларда фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари, жамоатчилик комиссиялари, «Ота-оналар университетлари», профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик тизими ташкил этилмаган. Шунингдек, бу борада зарур услубий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан узвий алоқа ўрнатилмагани оқибатида ҳам ана шундай салбий ҳолатлар қузатилмоқда.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан оилаларни ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни йиғин кенгашларида муҳокама қилиш, оилаларни мурасога келтиришда ҳаёт тажрибасига эга фуқаролар, намунали оила вакиллари тажрибасидан кенг фойдаланиш, имом-хатиблар, отин-ойилар ҳамда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда тушунтириш ишларини тизимли тарзда йўлга қўйиш зарур.

Яна бир ҳолат. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига сайлов ўтказилганига энди 6 ой бўлди. Лекин ўтган вақт мобайнида 35 нафар раис турли сабабларга кўра, ваколат муддати тугамасдан ўз вазифасини давом эттирилмаган.

Фонднинг вилоят бўлими, туман ва шаҳар бўлиналари томонидан фуқаролар мурожаатларига етарли эътибор қаратилмаётгани тўғрисида ҳам йиғилишда айтиб ўтилди. Айниқса, ҳат-ҳужжатлар ижроси бўйича талабчанинг сусайтирилган, бошқарувда ижро интизомига риоя қилинмагани оқибатида турли муаммолар келиб чиққан.

Кенгайтирилган йиғилишда ташкилий масала кўрил-

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Машғулотлар малака ва маҳоратни оширади



— Машғулотларда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» тўғрисидаги, «Фуқаролар йиғини раиси (ақсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» қонун ҳақда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этиш тартиб-таомиллари ҳақида мутахассисларнинг маърузалари тингланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви Ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи Учқун Маҳмудов. — Шунингдек, маҳалла фаоллари фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, йиғинда ички ҳужжатлар ва қарорларни тайёрлаш, комиссиялар ҳужжатларини юритиш тартиби, ижро интизомига риоя этиш, маҳаллалар ваколатларининг ижросини таъминлашда раиснинг вазифалари тўғрисида атрафчи маълумотлар берилди.

Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси тўғрисидаги Намунавий низомлар асосида фаолиятини ташкил этиш, фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги асосий йўналишлар бўйича мутахассисларнинг иштини тизимли тарзда олиб бориш каби масалалар ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Семинарда, шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг янги таҳрирдаги Устави ҳамда Фонднинг ҳудудий бўлими ва бўлиналари тўғрисидаги Низомда белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, улар ижросини таъминлаш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилди.

— Машғулотларда маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали ташкил этиш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини қўйиштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда йиғин фаолларига услубий ва амалий кўмаклашиш бўйича билимимни оширдим, — дейди Беруний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Бозоров. — Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органини қўллаш ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятини таъминлаштиришда Фонднинг қўйи тузилмалари томонидан услубий кўмаклашиш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда алоқадор

ташкilotлар билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича мутахассисларнинг маърузаларини тингладик.

Тадбирда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда мазкур йўналишда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларига услубий кўмаклашиш, маҳаллаларда тўй-ҳашамларни камчиқим ўтказишга қаратилган тарғибот ишлари самордорлигини ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Йиғилиш қатнашчилари фаолияти намунали йўлга қўйилган «Ўзбекистон», Ҳамза номидаги, «Бирлик» ва «Қўрғон» маҳаллаларига таширф буюришиб, олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Семинар сўнгида Фонднинг республика бошқаруви томонидан Зомин тумани Беруний, Уллубек номидаги ҳамда «Навбахор», «Бахт», «Қўрғон», «Бирлик» маҳалла фуқаролар йиғинларига компьютер жамланмалари, «Оқтепа», «Қора-тепа», «Боғшамол», Ҳамза номидаги ҳамда Ҳамид Олимжон номидаги маҳаллаларга мебель жиҳозлари топширилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Тинчлик — улўф неъмат



Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг туман (шаҳар) миқёсида ХАМКОРЛИГИ

Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг туман (шаҳар) миқёсида ХАМКОРЛИГИ

Давра суҳбати ҳам шундай йиғинлар сирасидан. Унда маҳалла ахли ва фаоллари иштирок этди.

ҲАМКОРЛИК

Фавқулодда вазиятларда аҳоли муҳофазаси

Бу йил баҳорнинг серёғин келиши, айниқса, май ойининг охири — шонь ойи бошларидоги кучли жаладан сўнг Наманган вилояти ҳудудидан ўтадиган бир неча сой ва дарёларда сув сатҳи кўтарилиди.

Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»

Хусусан, Қорадарё ҳамда Норин дарёларининг айрим жойларида қирғоқ ва дамбалларнинг емирилишини тўхтатиш чораларини кўриш зарурати туғилди. Бу борада вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлиналарининг маҳаллий ҳокимликлар, тегишли мутасоади идоралар билан ҳамкорлиги яна бир бор синовдан ўтди.

Айниқса, Норин дарёсининг Учқун туманидаги Яшиқобод ҳамда Норин туманидаги Янги Фарғона қишлоқларидан ўтган 60 метр узунликдаги қирғоғида химоя дамбалари хашар йўли билан мустаҳкамланди.

— Бундан ташқари, аҳолининг жалб этиб, вилоятдаги 761 та маҳаллада 342 километрдан зиёд ички ариқ-зовурлар, қарийб 215 километр узунликдаги сой қирғоқлари лойқа ва чикиндилардан тазаланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси Носриддин Садриддинов. — Шу билан бирга Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ туманларида ўтказилган кўмондонлик-штаб ўқув машқлари жараёнида ҳам амалий ишлар бажарилди.

Эътиборлиси, ушбу тадбирларда аҳоли, хусусан, ёшлар фаол иштирок этди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Ниҳол қуёшга, бола қалби зиёга талпинади

Навоий вилоятидаги 300 та маҳалла фуқаролар йиғинида Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолият юротилади.

Раъно ШЕРБЎТАЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси.

Хар бир ҳудуднинг ўзига хослиги, ички имкониятлари асосида ишлаб чиқилган мазкур комиссияларнинг иш режалари, шубҳасиз, ёш авлод истиқбол учун хизмат қилаётди.

Комиссиялар таркибига таълим-тарбияда муайян тажрибага эга, ёшлар билан тез тил топа оладиган, уларнинг фикр-ўйлари, орзу-интилишларидан хабардор кишилар киритилган. Маҳалла фаоллари, посбонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда ҳудуд профилактика инспекторлари ҳамкорлигида нотинч оилаларнинг фарздандори, жиноятга мойиллиги бор воёга етмаганларнинг рўйхати шакллантирилди.

Успирилари навиҳолга қиёслаймиз. Зеро, ниҳолни қандай парвартиласан, шундай ўсади. Ниҳол қуёшга юзланганидек, ўғил-қизлар ҳам зиёга, маърифатга талпиниб, шу боис тарбияга оғир болаларни тўғри йўлга бошлашда уларни ўзлари қизиқадиган машғулотларга жалб қилиш, турли мавзуда маънавий-маърифий сўхбатлар ташкиллаштириб, қалбларига қўлак солиш ҳар жиҳотдан тўғри ёндашувдир. Вилоятимиз маҳаллаларида бундай болалар учун шохмат-шашка, волейбол, баскетбол, футбол, қаратэ, кураш ва бошқа спорт тўғараклари ишлаб турибди. Жорий йилнинг шу давригача бу тўғаракларда 2307 нафар ёш қамраб олинган, ҳозир спорт машғулотларида тобланишмоқда.

Мазкур комиссия фаолиятини янада таъминлаштириш, иш жараёнида юз берадиган муаммоларни вазиятларга адолатли ечим топиш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими фуқаролар йиғинлари билан безатиш ишларини бошлаб юбордик.

— Тинчликнинг қадрига етиш керак, — дейди тарновбошилик Озода Султонхўжаева. — Дунёнинг турли давлатларида рўй бераётган миллий-этник урушлар юртимизда тинчликни асраб-оғайлаш бугуннинг энг долзарб масаласи эканини яна бир бор кўрсатмоқда. Маҳаллаларда изчил ўтказилаётган бундай давра сўхбатлари осойишталикни барқарор сақлашда кўмим ишчи давом этиришига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканини ҳис этишда жонли мулоқотларнинг таъсири ниҳоятда катта.

Мулоқотда имом-хатиблар ҳам иштирок этиб, Рамазон ойида ташкил қилинаётган турли тадбирларни камхарж ўтказиш бўйича тавсиялар беришди.

Мулоқотда имом-хатиблар ҳам иштирок этиб, Рамазон ойида ташкил қилинаётган турли тадбирларни камхарж ўтказиш бўйича тавсиялар беришди.

Ташкилдош жоизки, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва унинг қўйи тузилмаларининг «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими ва бўлиналари, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликдаги тизимли ишлари боис келиб чиқши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олиноётди. Зеро, бу соғй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад ҳам одамларнинг тинч-осойишта яшашини таъминлашдан иборат.



## ҚАРОР ВА ИЖРО

# Ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойили устувор



< [1]

Бу йўлда зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, улар замон талаблари асосида такомиллаштирилади. Соҳада фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бормоқда. Меҳнат кодекси, «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Надволат нотариот ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар ҳамда икки юздан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бу йўлда мустақим пайдо бўлмоқда. Шу қўнларда кенг жамоатчилик ўрнатишда қизин муҳокамасида ўтказилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши ҳам ана шу ислохотларнинг мантқиқ ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ҳар томонлама ташминлаш мақсадида республикамизда салмоқли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалиётга таъбиқ этилаётган, давлат дастурлари қабул қилиниб, улардаги устувор вазифалар илҳам қилиниб, янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 27 майдаги «Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014-2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида амалга ошириладиган тадбирлар мазкур йўналишдаги ишларни юқори даражада қўришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ушбу қарор ижросини ташмин-

шундай усул орқали ҳудудда жорий йилда 26 минг 666 нафар битирувчини ишга жойлаштириш борасида ортиқ режалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, дастур доирасида меҳнатнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини муҳокама қилиш учун давлат муассасалари, қасаба уюшмалари фаоллари ҳамда иш берувчиларнинг вакиллари иштирокида 60 га яқин давра суҳбати ўтказилди.

Жорий йилнинг шу давригача ҳудудларда Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан 59 марта меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Ярмаркаларда 1709 та корхона ва ташкилот 14668 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. 8101 нафар ишсиз фуқаронинг 2427 нафарини иш билан ташминлашга эришилди.

Бундан ташқари, вилоятда дастурдан ўрин олган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан болаларни меҳнат қилишига мажбур этишга йўл қўймоқчи ҳама улар томонидан вояга етмаганлар меҳнатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган нормалари ва шарт-шароитларига, шунингдек, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги қонун ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шозиллар чоралар тўғрисидаги конвенция талабларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатилган борасида ҳам амалий ишлар қилинмоқда.

— Бугунги глобаллашув замонида инсоннинг ўз ҳуқуқлари, айниқса, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини чуқур билиши унинг эркинликларини камситиши ҳамда одам содаси, меҳнат эксплуатациясига олди турли жиноятларнинг олди олинишида муҳим омилдир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси Маҳмуд Тоиров. — Аҳоли ўртасида асосий ҳуқуқий тарбиячи ким? Аввало, маҳалла фаоллари. Шу боис Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган конвенциялари тўғрисидаги таълим курслари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг маълумоти ошириш бўйича ўқув курслари дастурига киритилиб, барча маҳалла фаоллари меҳнат қонунчилиги ҳуқуқий асослари мутахассислар томонидан содда тилда тушултирилмоқда. Бу эса маҳалла фаолларининг ҳуқуқий жиҳатдан мустақам базага эга бўлиши ва шу орқали аҳолини ҳуқуқий совоҳонликка етаклашишда муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, демократик андозлар асосида барқарор ривожланиётган мамлакатимизда меҳнат муносабатлари шакллари ҳам янги раҳна руҳда ёндашилади. Бундай ўзгаришлар эса фуқаролар манфаатини ташминлашга хизмат қилади.

Биргина мисол. Мазкур дастурда касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, шу жумладан, ёшлар учун мақсадли иш ўринлари ташкил этиш, бўш иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркаларини ўтказиш, таълим муассасалари битирувчиларини ортиқ иш ўринларига олдиндан бириктириш орқали уларни ишга жойлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлар ташминлаш мақсадида ҳудудда барча иш берувчи корхона-ташкилотлар раҳбарларидан тартиб топан, ишлаб чиқариш ва халқ ҳўжалигининг ҳар бир йўналишини қамраб олган 38 та ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳларнинг асосий вазифаси касб-хўнар коллежлари битирувчиларини иш билан ташминлаш ва ҳар бир корхона-ташкилот кесимида яқин беш йилликда яратилаётган иш ўринларини аниқлашдан иборатдир. Бу эса ўқувчининг коллеж оқолини қандайдир қўшимча таълим олиши бўйича қарорга ишга жойлаштириш ҳақида маълумотга эга бўлиб, билим ва хўнарни пухта ўзлаштиришига рағбатлантиради. Ана

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# Оилавий тадбиркорлик ортидан фаровонлик ортаётир

< [1]

Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг барқарор ривожланишига иқтисодиётимизда мисли қўрилмаган ўзгаришларга омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг соҳага эътибори, миллий қонунчилигимиздаги янгиликлар юртдошларимизнинг ишбилармонлик салоҳиятига кўч бермоқда. «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинликнинг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, айниқса, тадбиркорларни янги мақсадлар сари қўрилади. Қонунларда ишбилармон ва тадбиркор, хўнарсиз кишиларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириб, салоҳиятларини тўла-тўқис намоён этишини қўллаб-қувватловчи меъёрилар акс этгани, айни пайтда бундан руҳланиб, оила оъзолари билан биргаликда ўз ҳовисида бирор-бир меҳнат тури билан шуғулланаётганлар сафи кенгаймоқда.

Қўшқўлир туманида ҳам бундай оилалар бисёр. 28 та оилавий корхонада бизнеснинг турли йўналишларида фаолият юритилаётир. Жумладан, Ўзбекёп кишлоғида «Тилла-Миржалол» оилавий корхонаси аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйди. Оиласига бош бўлиб муваффақиятли иш юритаётган Шўхрат Тиллаев 2 нафар маҳалладошининг ҳам бандлигини ташминлади. «Бикажон-Фозилот» оилавий корхонаси раҳбари Реймажон Дўсмонов эса турли пишириқлар, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.



Туманимиз маҳаллаларида хўнарсизлар бисёр. Айниқса, Янгилик кишлоғида хўнарсиз Зулфия Қўшназарованинг гул босма газламалар ва чокли буюмлар ишлаб чиқараётгани ёш йигит-қизларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Дилшод Ҳрозов миллий хўнарсизликнинг қадимий намуналаридан заргарлик билан шуғулланади. Хўнарсиз туманимиз оёлларининг оғирини енгил қилаётир, тақинчоқларни ташмирлаш, янгича қолипда тайёрлаш сонъатини ўз шағирдлари — маҳалладош болаларга ҳам ўргатмоқда.

Бундай ўзгаришлар, шубҳасиз, тумандаги фуқаролар йиғинларининг

қўмағида юзага чиқётган бўлса, бўлинмамиз ҳам ўз услубий-амалий ёндашлари билан ушбу савий-харакатларни мувофиқлаштириб бораётир. Жумладан, фуқаролар йиғинларидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар, «Маслаҳат марказлари»га услубий тавсиялар бериб бораётир. Фуқаролар йиғинларида ҳафталик белгиланган кунлари мутахассислар иштирокида тадбиркорлар учун очик зиналар кўрсатиш ташкил этилмоқда. Бундай савий-харакатлар ҳудудларимиз ободлиги, аҳоли фаровонлиги, пировардида, мамлакатимиз барқарорлигига ҳисса қўшиши тайин.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ALOQABANK YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги ва замонавий сервис хизматларини йўлга қўйиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга алоҳида эътибор қаратишда. Пировард натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, рақобатбардод, сифатли ва ҳамёнбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғи ортаётир. Бу эса юртдошларимиз фаровонлигининг юксалишига, дастурхонларимиз тўқинлигига ҳамда шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тобора чирой очишига хизмат қилмоқда.**

Тадбиркорлик субъектлари сифатли банк хизмати кўрсатиш, қўлай шарт-шароит ва тегишли имтиёзлар яратиб беришда банк-молия муассасалари алоҳида аҳамият касб этаётир. Хусусан, «Алоқабанк» акционерлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси томонидан бу борада амалга ошириладиган ишлар эътиборга молик.

«Алоқабанк» акционерлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси пойтахтимизнинг энг сўлим ва ҳушманзара гушапаридан бири — Амир Темура хўнарсизнинг шундоқки ёнбошидаги уч қават-

сифатли банк хизматлари кўрсатишда. Ҳар томонлама жозибдор омонат турлари, қўлай ва фойдали кредитлар, лизинг хизматлари, ҳисоб-китоб тизими, тўлов ва пул ўтказмалари, қўйиники, замонавий банк томонидан миқозларга тақдим этилиши зарур бўлган қўлайликларнинг барчаси бу ерда муҳайё этилган.

Бошқарма жорий йилнинг биринчи ярмида ўз миқозларига мақсадлилиқ, муддатлилиқ, таъминланганлик, тўловлилиқ сингари тамойиллар асосида кредитлар ажратди. 2014 йил 1 июль ҳолатига кўра, кредит қўйилма-лари қолдиғи 137 690,08 млн.



# Кредитлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда

ли кўркам ва шинам бинода жойлашган. Қўлай манзилдан ўрин олгани учун ҳам банкини миқозлар ҳеч қандай қийинчиликсиз топиб кела оладилар. Молия муассасасидаги ишчилик муҳити, миқозларга яратилган шарт-шароитлар, очиги, кишини қувонтиради.

Аваломбард, бу ердаги манзара — барча жиҳозлару, қолаверса, ходимларнинг кийимлари ранги ҳам банк бренди асосида танланган. Дид билан ўрнатилган стол ва юмшоқ стуллар, навбатчи белгиланган берадиган замонавий қўйилмалар киши эътиборини ўзига жалб этади. Миқозлар учун яратилган қўлайликлар ҳам кўнундоғидек.

Энг муҳими, Амалиёт бошқармасида миқозларга юксак

сўм/ўтган йил 115 684,74 млн. сўм/ни ташкил қилди. Жумладан, қисқа муддатли кредитлар 21 793,17 млн. сўм, узоқ муддатли кредитлар 108 826,54 млн. сўм, лизинг ажратмалари 7 070,36 млн. сўмдан иборат бўлди.

Хизмат доирасида чет эл валютасида ажратилган кредит ва лизинглар 9 670 380,59 минг сўмни ташкил қилди. Эътиборли жиҳати, имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан хусусий бизнес ва тадбиркорликка 446,32 млн. сўм кредит ажратилди.

Амалиёт бошқармасининг кредит қўйилмаларидан надовлат нотариот ташкилотларига 627,80 млн. сўм, давлат корхоналарига 37 226,83 млн. сўм, кичик бизнесга 83 636,26 млн. сўм, жисмоний шахсларга 16 199,19

млн. сўм маблағ ажратилди.

Хизмат доирасида халқ ҳўжалигининг турли тармоқлари бўйича кредит қўйилмалари жойлаштирилди. Жумладан, саноатга 50 274,84 млн. сўм, кишлоқ ҳўжалигига 848,62 млн. сўм, транспорт ва коммуникацияга 35 979,65 млн. сўм, қурилишга 2 648,96 млн. сўм, савдо ва умумий оқватланишга 18 045,16 млн. сўм, бошқа тармоқларга 29 892,85 млн. сўм йўналтирилди. Натижада мазкур соҳаларнинг ривожланишига ҳисса қўшилди, аҳолига озиқ-овқат ва ноозик оқват истеъмоллари етказиб бериш салмоғининг ортишига эришилди.

Таъкидлаш лозимки, биргина кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредит маблағ-

лари (59 664,0 млн. сўм) ҳисобига 114 та янги иш ўрни яратилди. Аҳоли бандлигини таъминлашга улуш қўшилиш орқали кўплаб оилаларнинг даромадлари ортди, дастурхонларига фойз-баракани инди.

Аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга — уй-жой қуриш, сотиб олиш ва истеъмол товарлари ортиб қилишига қўмақлашиш банк Амалиёт бошқармаси ходимларининг доимий эътиборида. Мазкур йўналишда ҳам салмоқли маблағлар ажратилмоқда. Хусусан, жисмоний шахсларга берилган ана шундай кредитлар 16 199,19 млн. сўмни ташкил қилди. Бунда истеъмол мақсадлар учун 2 721,8 млн. сўм ажратилди, ипотека учун 13 477,3 млн. сўм йўналтирилди.



**Фаррух ИСМАТОВ, «Алоқачи-чорва-наслчилик» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари:**

«Алоқабанк» акционерлик тижорат банкининг жамиятимизга кўрсатган молиявий мадади билан фаолиятимизни кенгайтиришга эришдик. Гап шундаки, хориждан наслдор қорамоллар харид қилиш бўйича тузган бизнес-режамиз молия муассасаси томонидан илҳомий баҳоланди. Натижада банкнинг 55 миллион сўм миқоридаги кредитига эга бўлдик. Мазкур маблағ эвазига Австриядан 31 бош «Симентал» зотли қорамол харид қилдик.

Тошкент вилояти Зангиота тумани Эркин кишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Кўёшли» маҳалласи ҳудудига 70 гектар ерга озқобол экинлар экканмиз. Европада келтирилган зотдор қорамоллар юртимиз иқлимига тезда мослашиб, серқўёш заминимизда етиштирилган ширала беда ва маккажўҳори, шунингдек, турли витаминларга бой сифатли емлар билан озиқланиши натижасида дурқун ривожланмоқда.

Ҳозирда жамиятимиз ферма-

сида боқилаётган қорамоллар сонидан оқини оқини. Жониворларни парваришлаш меҳнат жамоамиздаги 30 нафар кишининг зиммасида. Жамоамизда кишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежидан қўйиб, бизда амалиёт ўтаган ва кейинчалик шу ерда ишга қолган ветеринар-фельдшер мутахассислигига эга ёшлар борлигидан фахрланамиз.

Айни пайтда кўнига бир тонна сут маҳсулотини қўйта ишлаш қувватига эга цехимизда сут, сметана, қаймоқ, кефир тайёрланади, аҳолига етказиб беришмоқда. Тарихи турли витамин ва минералларга бой маҳсулотларимиз пештахталарда туриб қолганидан хурсандмиз. Муҳими, келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида доимий мижозимиз — «Алоқабанк» акционерлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармасига янги бизнес-режалар тақдим этиш устида иш олиб бораёмиз.

## Сайфулла РАСУЛОВ, «Расуловтекстиль» масъулияти чекланган жамияти директори:

— Истиклол тўғрисида юртимизда мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Мен ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланиб, 1991 йилдан бундан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаяман. Зеро, ҳар қандай соҳада ҳам ишининг кўзини билиб, мақсад сари олга интилган инсонга толе, албатта, ёр бўлади.

Мана, беш йилдирки, «Алоқабанк» очик акционерлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармаси мижозимиз. Утган йиллар мобайнида банк билан ўзаро ишончли ҳамкорлигимиз давр синоваридан муваффақиятли ўтди. Бундай дейишга асосларимиз етди. Чўноқчи, дастлаб бондан 50 миллион сўм миқдорда кредит олиб, мазкур маблағни хомашо харид қилишга йўналтирдик. Илк бизнес-режамиз тўла ўзини оқлагач, навбатдагисига қўл урдик. Бу гал янада юксак марраларни кўзладик. Банкнинг ҳушумомалга, ўз ишини ҳар томонлама пухта ба-жарадиган мақоли ходимлари иккинчи бизнес-режамизни ҳам қисқа муддатда кўриб чиқиди.

Режа маъқулланган, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ишончли кўрсаткичлар билан қўллаб-қувватланди. Бу галги молиявий модда эвазига Тошкентдан замонавий технологик ускуналарни олиб келиб цехимизга ўрнатдик. Бунинг натижасида фаолиятимиз кенгайди.

Хозирда цехимизда ҳар кўни турли бичим ва моделдаги 700-800 дан зиёд кийим-кечак ишлаб чиқарилиб, пойтахтимиздаги йирик дўкон ва савдо марказларига етказиб берилляпти. Тайёр трикотаж маҳсулотларимиз матосининг табиийлиги ва ҳамёнбонлиги билан харидорлар эътиборига тушмоқда. Қўнарсиз кишига, уларнинг 10 нафари касб-хўнар колледжлари битирувчилари. Келгусида имтиёзли кредитлар ажратилса, «Алоқабанк» билан ҳамкорликни яна давом эттириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари очиб ниятдаимиз.



Олмасор туманидаги «Жарарик» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган. Шу боис жамоамизда меҳнат қилаётган 30 кишининг ақсарияти мазкур маҳалла ва унга ёндаш ҳудудлардан қатнайдиган. Қўнарсиз кишига, уларнинг 10 нафари касб-хўнар колледжлари битирувчилари. Келгусида имтиёзли кредитлар ажратилса, «Алоқабанк» билан ҳамкорликни яна давом эттириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари очиб ниятдаимиз.

Бир сўз билан айтганда, «Алоқабанк» акционерлик тижорат банки мамлакатимиз молия базоринда ишончли муассаса сифатида илҳом ривожланиб, янги хизматлар тақдим этиш, ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, аҳолига кредитлар бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молия қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

■ **Норали ОЧИЛОВ «Mahalla»**